

Иқтисодий-хукукий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

**СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУКУК**

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҮН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА АҲБОРОТ

4-5 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг үн олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти ўтказилаётган тадбир кун тартибига киритилган масалаларга даҳлор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқишидан бошладилар. Уни муҳокама қилиш чоғида қайд этиб ўтилдики, 2009 йилги солик ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиктисодий барқарорликни, Давлат бюджетининг даромад базасини янада мустаҳкамлаш, соликлар йигими даражасини ошириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ривожлантириш учун кулай шароитлар яратиш, бюджет харажатлари ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутади.

Сенаторлар Давлат бюджетининг юксак даражада ижтимоий йўналиштирилганлигига, хусусан, фуқароларнинг даромадлари изчиллик билан ошириб борилишига, таълим ва соғлиқни саклаш тизимида, шунингдек, ижтимоий муҳофаза соҳасида аҳолига кўрсатилаётган хизматларни яхшилашга қаратилганлигига эътиборни тортдилар. 2009 йилги бюджет сиёсатининг аҳоли даромадлари даражасини ва турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги устувор йўналишларидан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда ижтимоий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиб 2007 йил 12 февралда ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини 2010 йилгача 2,5 баравар ошириш юзасидан кўйилган вазифа бажарилишини таъминлашдан иборат.

Умумтаълим мактабларини ривожлантириш, болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган мақсадли

давлат дастурларини амалга ошириш учун зарур миқдорда маблағ ажратиш назарда тутилмоқда. Хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, ёшлар миллий ва жаҳон мусиқий ҳамда тасвирий санъатининг юксак намуналаридан янада кенгроқ кўламда баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб мусиқа ва санъат мактаблари курилишига, уларни реконструкция қилиш ва капитал таъмилашга, шунингдек, уларни мусиқа асбоблари ва маҳсус инвентарлар билан жиҳозлашга давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда мелиорация тармоқларини реконструкциялаш, таъмилаш ва тозалашни, унумдорлиги паст ерларда пахта етиштираётган фермер хўжаликларини кўллаб-куватлаш чораларини назарда тутадиган Суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш тадбирларини молиялаштириш ҳажмларини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада кўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг жадал ривожланишини рафбатлантириш мақсадида улар учун ягона солик тўловининг амалдаги таянч ставкасини 8 фойздан 7 фойзга тушириш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, фаолиятнинг айrim турларини амалга оширувчи юридик шахслардан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солик миқдорларини камайтириш мўлжалланмоқда.

Ушбу чора-тадбирларнинг қабул қилиниши янги иш жойлари яратилишига, аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш фаровонлиги ошишига ёрдам беради, якка тартиbdagi тадбиркорлик билан шуғулланувчilar кўпайishi ҳисобига солик солинадиган базанинг кенгайини кучайтиради.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси

ликасининг 2009 йилги Давлат бюджетини маъқулладилар.

Шундан сўнг сенаторлар лойиҳаси Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган «Сайлов тўғрисидаги қонун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim конунларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар ушбу Конун парламент фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг, мамлакатни демократик янгилашда вакиллик ҳокимияти органларининг роли ва таъсирини янада оширишга қаратилганлигини таъкидладилар.

Хусусан, сиёсий партияларнинг парламент куйи палатасидаги вақилигини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддаси биринчи қисмининг таклиф қилинаётган таҳририда Конунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага ётказиш назарда тутилмоқда. Шуниси ҳам борки, 135 нафар депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўпартиявийлик асосида сайланади.

Атроф мухитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш учун курашиб, аҳоли соғлигини муҳофаза этиш масалалари мухимлигини эътиборга олиб, «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конуннинг янги таҳрирдаги 1-моддасида Ўзбекистон экологик ҳаракатига 15 та депутатлик ўрни бериш назарда тутилмоқда.

Сайлов тўғрисидаги қонунларга сайлов тизимини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қанча ўзгартишлар ҳам киритилди. Бу ўзгартишлар, таъкидланганидек, жамият ҳаёти ва давлат курилиши босқичмабосқич демократлаштириб бориллаётганлигининг ифодасидир. Сенаторлар Конунни маъқулладилар.

Шундан кейин «Амнистия актини кўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim конун хужжатлariiga ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни кўриб чиқдилар.

Чалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуну кўриб чиқдилди ва маъқулланди.

Юқори палата аъзолари солик тўғрисидаги қонун хужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган иккита қонуни ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Булар «Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Солик тўғрисидаги қонун хужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim конунларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонулариридир. Биринчи Конунда Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг етмиш еттига маддасига уларни янада тақомиллаштириш, аниқлаштириш ҳамда янги қабул қилинган қонун хужжатлariiga мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуларига нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш тартиби ва шартларини белгилайдиган ваколатли органга доир тегиши ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда.

Мазкур Қонуннинг қабул қилинши нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 12-14-моддаларига нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш тартиби ва шартларини белгилайдиган ваколатли органга доир тегиши ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда. Мазкур Қонуннинг қабул қилинши нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада кучайтиришга, бундай ташкилотларни кўллаб-куватлаш учун ажратилган бюджет маблағларини тақсимлашда очик-ошкоралик ва халқчиллик таъминланишига хизмат қилади.

Кун тартибига мувофиқ сенаторлар «Суфурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунiga ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини кўриб чиқдилар.

Муҳокама асносида Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва кўшимчалар суғурталовчиларга қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи беришни, шунингдек, маҳсус ваколатли давлат органига суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабарини белгилаш ваколати беришни ҳам назарда тутиши айтиб ўтилди.

Сунгра «Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конунинг айrim қонун хужжатлariiga ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни кўриб чиқдилар.

Қонунни муҳокама қилиш асносида таъкидлаб ўтилганидек, Олий Мажлис ҳар иккala палатасининг Кенгашлари томонидан 2008 йил 3 июнда «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» кўшма Қарор қабул қилинди. Ушбу Қарорга мувофиқ давлат бюджетидан ажратилган маблағларни нодавлат нотижорат ташкилотларига тақсимлаш масалалари ижро этувчи ҳокимият органлари ваколати соҳасидан қонун чиқарувчи ҳокимият олий органини ихтиёрига ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини бўшнингдек, Фонд маблағларини бошқарыш бўйича Парламент комиссияси тузилди.

Ана шундан келиб чиқиб, Қонунда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 12-14-моддаларига нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш тартиби ва шартларини белгилайдиган ваколатли органга доир тегиши ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда. Мазкур Қонуннинг қабул қилинши нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада кучайтиришга, бундай ташкилотларни кўллаб-куватлаш учун ажратилган бюджет маблағларини тақсимлашда очик-ошкоралик ва халқчиллик таъминланишига хизмат қилади.

Кун тартибига мувофиқ сенаторлар «Суфурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунiga ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини кўриб чиқдилар.

Муҳокама асносида Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва кўшимчалар суғурталовчиларга қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи беришни, шунингдек, маҳсус ваколатли давлат органига суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабарини белгилаш ваколати беришни ҳам назарда тутиши айтиб ўтилди.

Сунгра «Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конунинг айrim қонун хужжатlariiga ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни кўриб чиқдилар.

1-2-бетлар

Олий Мажлис
Сенатининг ялпи мажлиси

\$1 = 1377,73 сўм

Энбет

Қонун хужжатларида
қандай янгиликлар бор?

€1 = 1758,95

4-6-бетлар

Бизнинг
маслаҳатлар

£1 = 2022,51 сўм

7-10-бетлар

Янги қонун
хужжатлари

¥10 = 148,99 сўм

2-бетда



1405

INTER-PRESS
АҲБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 днен • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • Коммерсансье • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

119-0000
155-0955
тел./факс: (99897)

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҮН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТҮГРИСИДА АХБОРОТ

қайд этилганидек, у (Конун) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтин янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари түгрисида»ги 2008 йил 1 майда қабул қилинган Фармонини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, шу йўналишда, хусусан, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди, малакали юридик ёрдамдан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлашга қаратилган бошқа қатор чоралар кўрилди.

Конунда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроюра кодексларига, Маъмурй жавобгарлик түгрисидаги кодексига, «Адвокатура түгрисида»ги ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётганинига ургу бердилар.

Муҳомада сўзга чиқсан сенаторлар ушбу Конун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодексларига, Ер кодексига, бошқа бир қанча конун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётганинига ургу бердилар.

БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хурматли таҳририят!

Газетангиз саҳифаларида мұхим бир масалани ёритишиңгизни сўраймиз.

Маълумки, бугунги кунда ЎзР ҳукумати сўмли пластик карталар орқали оптимал (аҳоли учун қулай) нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини жорий этишига катта зътибор қаратмоқда. Бу мутлақо тўғри, зеро, ушбу услуб жуда қулай, нақд пул массасининг муомалада бўлишини камайтиради ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги солиқлар йигилишини оширишга ёрдам беради. Биз ҳам ушбу қулайликлардан жон деб фойдаланардик-ку, аммо...

Хизмат кўрсатувчи банклар, хусусан, ЎзР ТИФ МБ (Тошкент шаҳри ва вилояти бўлимлари) корхонанинг (фирманинг) ҳисобракамидан пластик карталарга пул маблағларини ўтказганлик учун ҳаддан ташқари юкори бўлган комиссиян ҳақ белгилаш орқали (амалда нақд пулга доир яширин солиқ белгилаб) пластик карталар билан ишлаш ва улар орқали товарлар учун ҳақ тўланишига тўсқинлик қўлмоқдалар. Мисол учун, ЎзР ТИФ МБ (активлар ва пассивлар бўйича кўмита) 2008 йил 15 июлдан бошлаб ўз филиалларидан комиссиян ҳақ миқдорларини қўйидаги белгилашни талаб қўлмоқда: иш ҳақини ўтказганлик учун – 4%, бошқа тўловларни ўтказганлик учун эса – 8%. Бошқа тўловларга эса дивидендлар, ходимларга бериладиган моддий ёрдам ва бошқалар киради. Дивидендларга давлат томонидан белгиланган солиқ 10%, ягона солиқ тўлови 8%дан иборат, хизмат кўрсатувчи банк эса ҳисобракамидан пластик картага пул ўтказиш операциясининг ўзигагина 8% миқдорида комиссиян ҳақ ундирамоқда. Буни, бизнинг фикримизча, пул маблағларини ўтказиш учун банк томонидан монопол равишида яширин солиқ жорий этиш, деб тушуниш мумкин. Шуни ҳам қайд этиш керакки, бошқа тўловларни банк кассасидан олишнинг имкони йўқ, чунки банклар касса орқали асосан иш ҳақи фонди ва пенсиянингина берадилар.

Агар давлат ҳамма жойда пластик карталар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини жорий этишини хоҳласа (биз, банк мижозлари эса буни қўллаб-куватлаймиз), унда хизмат кўрсатувчи банклар кассадан пул бериш (2-3%ни ташкил этади) билан пластик картага пул ўтказиш (4-8%ни ташкил этади) учун комиссиян йигимлар миқдорларини бир-биридан фарқламасликлари керак.

Ушбу мавзуни муҳокама қилишдан қочмасликни ўтишиб сўраймиз.

Тижорат фирмалари ва корхоналарининг директорлари ва ходимлари.

– «Тижорат фирмалари ва корхоналарининг директорлари ҳамда ходимлари номидан илова қилинган, банкка қўйилган айловларни кўриб чиқиб, қўйидаги тушунтиришлар бериши зарур деб билдик.

1. «Хизмат кўрсатувчи банклар, аникроғи, ЎзР ТИФ МБ (Тошкент шаҳри ва вилояти бўлимлари) корхонанинг (фирманинг) ҳисобракамидан пластик карталарга пул маблағларини ўтказганлик учун ҳаддан ташқари юкори бўлган комиссиян ҳақ белгилаш орқали (амалда нақд пулга доир яширин солиқ белгилаб) пластик карталар билан ишлаш ва улар орқали товарлар учун ҳақ тўланишига тўсқинлик қўлмоқдалар. Мисол учун, ЎзР ТИФ МБ (активлар ва пассивлар бўйича кўмита) 2008 йил 15 июлдан бошлаб ўз филиалларидан комиссиян ҳақ миқдорларини қўйидаги белгилашни талаб қўлмоқда: иш ҳақини ўтказганлик учун – 4%, бошқа тўловларни ўтказганлик учун эса – 8%. Бошқа тўловларга эса дивидендлар, ходимларга бериладиган моддий ёрдам ва бошқалар киради.

ЎзР ТИФ МБнинг Комиссиян ҳақ тўлаш тарифларига мувофиқ корхона/ташкилот томонидан ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни (пенсиялар, нафақалар ва бошқалар) картчётларга (ССКС) ўтказиш учун иш ҳақи лойиҳаси доирасидаги комиссия миқдори 4%ни эмас, балки уларнинг ССКСга ўтказиладиган маблағлар суммасининг 1-2 фойизини ташкил этади. Ушбу комиссиян ҳақ корхона ходимларидан ундирилмайди, балки иш ҳақини ходимларнинг ССКСига ўтказиш учун банк билан тузилган шартномага мувофиқ банкка корхона томонидан тўланади.

Бундан ташқари, пластик карточка сақловчиларининг картчётларидаги маблағларнинг қолдиқларига йиллик 14% ҳисобида фойизлар ҳисоблаб ёзилади.

Шунингдек, муайян тоифадаги корхоналар/ташкилотлар учун иш ҳақи лойиҳалари чизмалари назарда тутилган бўлиб, улар бўйича кўрсатилган хизмат учун комиссиян ҳақ умуман ундирилмайди.

Иш ҳақи лойиҳаси доирасидан ташқари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўзларининг ССКСига ўтказиш учун иш ҳақи хошишини билдириган жисмоний шахслардан комиссиян ҳақ ундирилмайди.

Хат муаллифлари даромаднинг бошқа турларига киритган ходимларга бериладиган моддий ёрдамга келсак, ушбу тўловлар «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» тоифасига кириб, уларни ўтказиш учун комиссиян ҳақи ставкаси юқорида келтирилган.

ССКСига ўтказилган бошқа даромад турлари суммаларидан (гонорарлар, дивидендлар, қимматликларни, кўчмас мулки, тасвири санъат асарларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва бошқаларни сотишдан олинган маблағлардан) комиссиян ҳақ хатда кўрсатилганидек 8% эмас, балки банк



Кўйидаги савол бўйича тушунтириш олишни жудаим истардим: мен ишлабётган фирмага Самарқанд шаҳар «Асака» банкида хизмат кўрсатилади. Ўтган йилнинг ёз фаслидан бошлаб бизга кўярда-кўймай, иш ҳақининг 20 фойизини пластик карточкаларга ўтказишни таклиф этиди. Терминалли дўконларнинг сони оз, банкоматлар йўқ, банклар эса нақд пул бермасликка ҳаракат қилаётган бўлса-да, банк билан муносабатларни бузмаслик учун биз рози бўлдик. Бирок, шу йилнинг август ойида бизни иш ҳақининг юз фойизини карточкаларга ўтказишга мажбур қилишиди. Бунда бизга «ё пуни карточкага ўтказасиз ёки иш ҳақини олмайсиз» деган шарт қўйишиди. Шундан кейин банкка ҳар ҳафта қатнаб, 60-70% нақд пулни зўрга олмокдамиз. Банк раҳбариятидан барча саволларга аниқравашн жавоб ололмаяпмиз. Бирок, билишимча, бошқа банкларда бундай мажбурламайдилар. Банк пластик карточкалардан фойдаланишга мажбурлаш ҳуқуқига эгами, бу вазиятда биз ўз ҳуқуқларимизни қандай ҳимоя қила оламиз?

Хурмат билан, Виктория, бош бухгалтер.

– «Асака» ОАЖ банки сизнинг хатингизга қўйидагиларни маълум қиласди:

«Асака» ДАТБнинг барча филиаллари Президентнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириши жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-325-сон, 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантишига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-433-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалардан фойдаланиш доирасини кенгайтириш ва тўлов тизими қатнашиларининг уни тўлақони ишлатишига бўлган қизиқишини ошириш чора-тадбирлари режаси» 38-сон баённомаси ижросини таъминлаш

мақсадида банк мижози бўлган ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар ишчи ва ходимларининг ихтиёри аризасига асосан уларнинг ойлик иш ҳақларини пластик карточкаларга ўтказиб келмоқда.

Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилган қарорлар ҳамда Президентнинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобвараклардан нақд пул тўловларни узлуксиз тъминлаш кафолатлари тўғрисида» ПК-147-сон қарори талабларига мувофиқ, «Асака» банкнинг барча филиаллари мижозлар биринчи талабига кўра уларни нақд пул тъминлаб келмоқда.

Аҳолига қуайлик яратиш мақсадида Самарқанд вилоят филиаллари томонидан ушбу ҳудудда барча мавжуд чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи шохобчаларга пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилувчи 104 терминал ўрнатилган ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан терминаллар сони 20 тага кўпайган. 2008 йилнинг охиргача савдо шохобчаларига қўшимча 62 та терминал ўрнатилиши кутилмоқда.

Хозирги кунда «Асака» банки томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими жорий этилган бўлиб, бундай корхоналар сони 2 301 тани ташкил қиласди ва бу кўрсатич 2007 йилга нисбатан 221 тага кўпайди.

Банк бошқарувининг раис ўринбосари
Б. Муллахонов».

Чонунчиликда айрим ташкилотлар учун истиснолар мавжуд, масалан, аҳолидан, дехон ва фермер хўжаликлиридан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилувчи

(Президентнинг 2000 йил 21 мартағи «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-2564-сон Фармонининг 5-банди).

Чакана савдо корхоналари қишлоқ хўжалиги маҳсулотини харид қилиб, кейин уни сотиш учун бандан нақд пул маблағларини олишга ҳақли эмаслар.

Накд пул маблағларини олиш воситаси сифатида корпоратив карталардан фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Корпоратив картадаги пул маблағларини, агар етказиб берувчиликнингизда терминаллар бўлса, улар билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ишлатиши мумкин.

Жавоб «Norma Ekspert» гурӯхи эксперлари томонидан тайёрланди.

ФАҚАТ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБГА РУХСАТ БОР

«FARSAVDOXIZMAT» XF (ХХХУТ 71280) Тошкент шаҳрида жойлашган дўконлар тармоғига эга. Бугунги кунда давлат сиёсати билан пул маблағларининг бир қисмими пластик карточкаларга ўтказиш белгиланган. Ўз навбатида харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун ўз дўконларимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишни режалаштирияпмиз. Бирок пул ўтказиш орқали ушбу маҳсулотни топиш ниҳоятда қийин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва кейин сотиш учун банкдан нақд пул олсан бўладими ва қанча миқдорда?

С. Муҳиддинов, директор.
Ю. Деркач, бош бухгалтер.

– Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидаларига биноан (АВ томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатдан ўтказилган) юридик шахслар ўтасидаги ҳисоб-китоб

ши керак. Қонунчиликда айрим ташкилотлар учун истиснолар мавжуд, масалан, аҳолидан, дехон ва фермер хўжаликлиридан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилувчи

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-хуқуқий тизими

Сотиб олиш мақалалари
бўйича кўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

АМАЛИЙ
БУХГАЛТЕРИЯ

Тошкент ш.: (8371) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (83672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (8366) 23-23-73
Наманган ш.: (8369) 226-16-70
Фарғона ш.: (8373) 222-11-49
Андижон ш.: (8374) 277-59-37

ЭКСПОРТГА КВОТА МАВЖУДМИ?

15 июля биз сизнинг номингизга юборган хатда Вазирлар Маҳкамасининг «2008 йилда мева-сабзавот, полиз ва узум ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 93-сон қарорининг амал қилишини тушунтириб беришингизни илтимос қилган эдик.

«Норма маслаҳатчи»нинг 2008 йил 8 августрдаги 32-сонида («Қурилилган меваларни олиб чиқиши» материалы) хатимиизга жавоб босилиб чиқди. Жавоб жуда ҳам батафсил бўлиб, маҳсулотимизнинг экспортига алоқадор бўлган барча жиҳатларни қамраб олган.

Шунга қарамасдан, ваколатли банк экспорт шартномасини рўйхатдан ўтказишдан бош тортяпти. Буни юқоридаги қарорда гўё ТИФ ТН коди «08»дан бошланадиган ҳар қандай маҳсулот экспорти учун квота олиш зарурлиги ёзиб қўйилганлиги билан асослашмоқда.

Шу муносабат билан қўйидаги саволларга жавоб олишини хоҳлар эдик:

Экспорт контрактини ваколатли банкда рўйхатдан ўтказиш; божхона органларида божхона расмийлаштирувани амалга ошириш; сертификатлаштирувчи органлардан сертификатлар олиш; транспорт компанияларининг етказиб бериши учун Вазирлар Маҳкамасининг маҳсулотимиз экспортига квотасини олиш керакми?

1. Агар квота олиш зарур бўлса, уни олиш тартиби қандай?

2. Ўтган хатимиизга жавоб матнида «Валюта тушумининг келиб тушиш муддати 60 кундан ошмаслиги керак» деб ёзгансиз. Бу нарса ОЛДИНДАН ТЎЛОВ ҚИЛИНМАСИДАН экспорт қилишимиз мумкинлигини англатадими? Мазкур ҳолда банк аккредитиви ёки кафолати ёхуд контракт сугуртаси бўлиши керакми?

**М.Рахматуллаев,
МЧЖ бош директори.**

1. Амалдаги қонунчиликда экспортнинг миқдорига чекловлар ва унга квоталар мавжуд эмас. Лицензиялаш ва бевосита тақиқлар эса товарларнинг озгина гурухига нисбатан қўлланади:

экспорт қилиниши ман этилган товарлар (Президентнинг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1871-сон Фармони, 4-иолова);

Ўзбекистон Республикаси ваколатли органлари томонидан бериладиган руҳсатномалар бўйича экспорт қилинадиган то-

варлар, ишлар ва хизматлар (ВМнинг 1998 йил 31 марта даги «Ўзбекистон Республикасида ташки савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 137-сон қарори, 2-иолова);

контрактлар ТИАИСВда рўйхатдан ўтказилганидан кейин экспорт қилинадиган товарлар (ВМнинг 1998 йил 31 марта даги «Ўзбекистон Республикасида ташки савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 137-сон қарори, 1-иолова);

ТИАИСВ лицензиялари бўйича

сабабли навбатдаги мажбурий сугурта искеъмолчиларга «сугурта солиғи» бўлиши кутилмоқда.

ПЕНСИОНЕРЛАРНИ МЕҲНАТГА ЧОРЛАШМОҚДА

Россия Соғлини саклаш ва ижтимоий ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ихтиёрий қўшимча пенсия жамғармалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси таҳририни маъқуллади.

Ўзgartаришлар пенсияга анча кейин чиқиши рағбатлантиришга йўналтирилган, бу эса пенсия тизимини молиялашдаги муаммаларни ҳал этишга ёрдам беради. РФда пенсионерлар сони ўсиши янги туғилганлар сонидан ошади, шу боис ишловчиларнинг сугурта бадаллари пенсионерларга пенсия тўлашга етмаяпти. Ушбу келишувлар ходимнинг пенсия ажратмаларини молиялашнинг энг юқори чегарасини йилига 10 минг рублдан 12 минг рублча оширишга имконият яратади. Фуқароларда биргаликда молиялаш дастурига кириш бўйича якин беш йил муддатда танлаш ҳуқуки бўлади. Дастур муддати – 10 йил. Бу муддат ичida келгуси пенсиялари хисобига бир йилда камид 12 минг рублдан ихтиёрий хисоблаб ўтказиб бориб, фуқаро давлатдан яна 120 минг рубль ёки 5 минг доллар олиши мумкин. Ишлайдиган пенсионерлар учун бундан ҳам йирик сумма назарда тутилган. Агар фуқаро пенсия ёшига етганидан кейин оддий пенсиядан воз кечса ва яна 10 йил ишласа, ихтиёрий ажратмалар қилиб борса, у ҳолда давлат томонидан молиялаш ҳажми тўрт баравар юқори бўлади: фуқаро қўшимча 20 минг доллар олади.

Хозир ҳалқаро стандарт 40%ни ташкил қилган бир пайтда, Россияда ўртacha маош ва пенсиялар нисбати (ўрнини эгаллаш коэффициенти деб номланувчи) 26%ни ташкил қиласди. Молия вазирлигининг хисобкитобига кўра, ўрнини эгаллаш коэффициентини ҳозирги даражада ушлаб турish учун ҳукumatдан пенсия тизими учун 2015 йилга қўшимча 2% ҳажмида ЯИМ излаб топиш талаб этилади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2008 йил



экспорт қилинадиган товарлар (Президентнинг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1871-сон Фармони, 1-иолова);

фақат олдиндан ҳақ тўлаш ёки аккредитив очиш шарти билан воситачилик ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ЭАВга экспорт қилинадиган товарлар (Президентнинг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1871-сон Фармони, 2-иолова).

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар қандай товарлар ва хизматларни хоҳлаган ҳажмда экспорт қилишга ҳақли, бундан олиб чиқилиши тақиқланган, шунингдек экспорт қилиниши учун рухсат олиш ёки муайян шартларни бажариш лозим бўлган айрим ўзига хос товарлар мустасно.

дикки, Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини хисобга кўйиш ҳамда улар ихроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг (АВ томонидан 2000 йил 9 августда 954-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2.6-бандига мувофик, ваколатли банк экспортчига тақдим этилган хужжатларни амалдаги қонунчиликка мувофиклаштириш учун хисобга кўйишдан бош тортганлик тўғрисида ўзининг ёзма асосланган раддиясини юбориши керак.

2. Агар сизда харидорнинг банк кафолати ёки экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат хатарларидан сугурталаш полиси мавжуд бўлса, у ҳолда Президентнинг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1871-сон Фармонининг 2-бандига мувофик 2002 йил 1 февралдан бошлаб сиз маҳсулотнинг учун олдиндан ҳақ тўланмасидан ва аккредитив очилимасидан эркин айрибошланадиган валутага маҳсулотнинг экспортини амалга оширишингиз мумкин.

Елена ЕРМОХИНА,
«NORMA» МЧЖ
эксперт-юристи.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди



Ахборот-хуқуқий тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

04.00.00

Тошкент ш.: (8371) 237-07-78, 237-45-29

Гулистан ш.: (83672) 27-58-97

Самарқанд ш.: (8366) 23-23-73

Наманганд ш.: (8369) 226-16-70

Фарғонад ш.: (8373) 222-11-49

Андижон ш.: (8374) 277-59-37

Хориж қонунчилиги

АУДИТОР НАЗОРАТЧИ БЎЛАДИМИ?

Россия Марказий банки аудиторларни банк текширивларида улар томонидан аникланган салбий маълумотларни тақдим этишга масъул қилишга уриниб кўрди. Ушбу мақсадда у «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунларга тегишли тузатишлар киритилишини таклиф қиляпти. Бироқ банкирлар бундай чорани мақсадда номувиғи деб хисоблайдилар. Бугунги кунда текширилаётган банклар аудиторлар киёфасидан ҳамкорларни кўрмокдалар, ўзгартаришлар кирилгандан сўнг улар назоратчиларга айланисиди. Бу эса мутахассислар ва банклар ўртасида юзага келган, ишончга асосланган муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Бундан ташқари, аввалдан мустақиллик тамоилилига асосланиб курилган аудиторлик фаолияти тизмининг ҳам бузилиши рўй беради.

Аудиторлик фаолияти бўйича кенгаш мутахассислар танишиб чиқишилари ва ўз фикрларини билдиришлари учун аудиторлик ташкилотларига қонун лойиҳасини жўнатди. Россия Аудиторлар палатаси президенти Борис Соколовнинг сўзларига қараганда, аудиторлар банкротлика етакловчи жиддий хукуқбузарликлар тўғрисида хабар берадиган амалиёт Франция ва Германияда мавжуд, агар у Россиядаги ҳам йўлга кўйилса катта ўзгариш бўлмайди. Муаммо шундаки, тузатишлар аввал-бошдан банклар ҳамжамиятида мухоммада қилинмаган. Бунинг устига қонун лойиҳасида кўп ноаникликлар бор. Масалан, бир модда борки, унга мувофик аудиторлар назорат қилувчи органлар талабига кўра банк текширувлири татижахарини тақдим этишга мажбурдирлар. Бунда айнан ким бундай сўровга ҳақли эканлиги баён этилмаган.

Аудиторлик палатаси Марказий банкка ишчи гурухи тузишни таклиф қилди, унга барча манбаатдор тарафлар: Молия вазирлиги, Марказий банк, банк ва аудиторлик ҳамжамиятлари кирилилади.

Хорижий матбуот материалларидан.

ЎЗБЕКИСТОН ЖОНЧУЧИЛИГИДАГИ ЙИНИЙЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

– Навоий вилоятида эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этиш түғрисида.

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш түғрисида;

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИНГ ҚАРОРИ**

– О прогнозных параметрах производства и использования плодовоощной продукции, картофеля, бахчи и винограда в 2009 году.

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТ**

– Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби түғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги баёни.

- **МЕЪЕРИЙ-ХУҶАКИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТҮҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 18 ОКТЯБРДАН 7 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

НАВОЙ ВИЛОЯТИДА ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮҒРИСИДА

(«Халқ сўзи», 235 (4645)-сон, 2008 йил 4 декабрь)

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича кулагай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфраструктузилмасини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри ҳалқаро аэропорти худудида «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона (кейинги ўринларда – ЭИИЗ) ташкил этиш түғрисидаги таклифига розилик берилсан.

«Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона худудида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

ЭИИЗ фаолияти давомида унинг худудида алоҳида бозхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг худудига кириш, худудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек,

улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун руҳсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади;

алоҳида хуқуқий тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва бозхона тартиби фақат ЭИИЗ худудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун амал қиласи;

«Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларидан ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

«Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида Фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади;

«Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона дирекцияси ҳўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ худудида ер участкаларини субижарарага топшириш, ўз хуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара хуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш хуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ худудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади.

3. «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган ҳўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қўйидагича бўлган тақдирда ер солиги, мулк солиги, даромад солиги, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика

мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача – 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион еврогача – 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиги ва ягона солик тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз микдорида белгиланади;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда – 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиги ва ягона солик тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз микдорида белгиланади.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йигимлардан ташқари) озод қилинади.

Белгилаб қўйилсанки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун хўжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи микдорида (божхона расмийлаштируви учун йигимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечикирилиши мумкин.

Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ худудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун хўжатларида белгиланган тартибда бюджетга тўлиқ ҳажмда ундирилади.

5. «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуидагилар рухсат этилсин:

улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ худудида хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш.

6. «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солик қонунчилигининг солик тўловчилар ахволини ёмонлаштируви хўжатлари татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилсан, акциз солигига тортиладиган товарларнинг солиқка тортилишини тартибга солувчи хўжатлар бундан мустасно.

7. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Давлат архитектура-курилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргалиқда:

икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИИЗни жойлаштириш учун зарур бўлган ер майдони бўйича, унинг чегаралари аниқ кўрсатилган ҳолда, таклифлар киритсин;

бир ой муддатда, танланган ер участкаси маъқуллангандан кейин, уни эркин индустрисал-иқтисодий зона яратиш мақсадида белгиланган тартибда ажратсин, уни

зарур кадастр материаллари билан расмийлаштирасин ҳамда ЭИИЗ Маъмурий кенгашига у фаолият кўрсатадиган муддатга фойдаланиш ва бошқариш учун берсин;

2009 йил 1 марта бўлган муддатда мазкур зона худудини барпо этишнинг, шу жумладан зарур муҳандислик коммуникациялари ва сервис хизматларини ташкил этишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқсан ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

2010 йил 1 январгача бўлган муддатда эркин индустрисал-иқтисодий зонанинг Бош режасини ва зарур лойиха-смета хўжатларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона тўғрисидаги низомни тасдиқласин ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсан;

2009 йил 1 январгача бўлган муддатда Навоий вилоятидаги эркин индустрисал-иқтисодий зона фаолиятини тезкор бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш вазифаларини амалга ошириш учун ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашини ташкил этсан;

уч ой муддатда иловага мувофиқ рўйхат бўйича «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хўжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

9. «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона Маъмурий кенгашига:

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун хўжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустрисал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва эркин индустрисал-иқтисодий зонанинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган Эркин индустрисал-иқтисодий зонани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш хуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиха-смета хўжатларига мувофиқ эркин индустрисал-иқтисодий зонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга маблағларни назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда қонун хўжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 2 декабрь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК
ЁРДАМИ ҲАМДА ТЕХНИК КҮМАКЛАШИШ ВОСИТАЛАРИДАН МАҚСАДЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДЕПАРТАМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮГРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2008 йил, 48-сон, 472-модда)

Ўзбекистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларини жалб этиш фолияти мувофиқлаштирилишини янада такомиллаштириш, уларни ҳисобга олиш ҳамда мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатишнинг ягона тизимини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларини республикага жалб этишни мувофиқлаштириш ва ўз вақтида расмийлаштириш, шунингдек, уларни ҳисобга олиш ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишни ташкил этиш вазифалари юклатилисин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланиши мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти ташкил этилсин.

Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республикага инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларини жалб этиш масалалари бўйича донорлар билан ҳамкорликни ривожлантириш таклифларини тайёрлаш;

инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларига оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштириш;

инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларини оловчиларга уларни расмийлаштириш ва етказиб бериш муддатларини қисқартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасига жалб этилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситалари тўлиқ ва тизимли ҳисобга олинишини таъминлаш;

республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, ташкилот ва муассасалари оладиган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларини ўзлаштириш, мақсадли ва самарали фойдаланишнинг доимий мониторингини амалга ошириш;

инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларининг келиб тушиши ва ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисботлар ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлаш ва уларни тизимли асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб туриш.

3. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг тасдиқланган чекланган сони доирасида умумий сони 5 нафар ходимдан иборат бўлган Департамент тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланиши мувофиқлаштириш,

ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Молия вазирига зарур ҳолларда Департаментнинг тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритишга руҳсат этилсин.

4. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги зиммасига Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш вазифаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бosh назорат-тафтиш бошқармаси зиммасига маблағлардан мақсадли фойдаланиши, инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларини жалб этиш ва ўзлаштиришда молиявий қоидабузарликларга йўл қўйилмаслигини тафтиш ҳамда назорат қилиш вазифалари юклатилисин. Мазкур вазифаларни бажариш учун Молия вазирлигининг Бosh назорат-тафтиш бошқармаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган сонига кўшимча киритиладиган 3 нафар ходимдан иборат шульба ташкил этилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилисинки, унга мувофиқ инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларини оловчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигига ўзларининг шахсий банк ҳисобвақларидан кўчирмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакл ва муддатларда, жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситалари тўғрисида ахборот бериб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргалиқда икки ҳафта муддатда инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник күмаклашиш воситаларини оловчилар Молия вазирлигининг Фазначилигига тақдим этадиган ҳисбот шаклларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 24 ноябрь,
ПҚ-1005-сон.

*1-2-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди. Иловалар тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида «Қонунчиликдаги янгиликлар» бўлимида танишиш мумкин, сайтдан эркин фойдаланиш мумкин.

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
О ПРОГНОЗНЫХ ПАРАМЕТРАХ ПРОИЗВОДСТВА И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
плодоовощной продукции, картофеля, бахчи и винограда в 2009 году**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 48-сон, 474-модда)

В целях создания оптимальных условий для производства, заготовки, своевременного обеспечения переработки и реализации выращенной свежей плодоовощной продукции, картофеля, бахчи и винограда в 2009 году Кабинет Министров **постановляет**:

1. Одобрить прогнозные параметры производства и использования плодоовощной продукции, картофеля, бахчи и винограда в 2009 году, разработанные Министерством экономики совместно с Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Советом Министров Республики Каракалпакстан и хокимиятами областей, согласно приложениям №№ 1* и 2*.

2. Совету Министров Республики Каракалпакстан и хокимиятам областей обеспечить:

приоритетность производства плодоовощной продукции, картофеля и винограда в специализированных фермерских хозяйствах, обратив особое внимание на размещение овощных культур в соответствии с прогнозными параметрами производства;

до 1 марта 2009 года — организацию заключения договоров контрактации между фермерскими хозяйствами и перерабатывающими предприятиями на поставку плодоовощной продукции и винограда, предусматрев в них обеспечение не менее 30 процентов авансирования производства;

организацию эффективного функционирования сети по реализации ГСМ, минеральных удобрений, средств защиты растений, семенных и посадочных материалов для стабильного обеспечения товаропроизводителей плодоовощной продукции, картофеля и винограда.

3. Установить, что в целях мониторинга за производством и обеспечением населения и перерабатывающих предприятий плодоовощной продукцией, картофелем, бахчей и виноградом в Министерство экономики Республики Узбекистан представляется следующая информация:

ежеквартально до 8 числа следующего за отчетным периодом месяца Министерством экономики Республики Каракалпакстан и главными управлениями экономики областей — сведения о производстве и использовании плодоовощной продукции, картофеля, бахчи и винограда по форме согласно приложению № 3*;

ежемесячно до 8 числа следующего за отчетным периодом месяца Государственным таможенным комитетом Республики Узбекистан — сведения об отгрузке плодоовощной продукции, бахчи и винограда на экспорт по форме согласно приложению № 4*.

4. Министерству экономики совместно с Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Советом Министров Республики Каракалпакстан и хокимиятами областей обеспечить системный мониторинг за ходом выполнения установленных параметров баланса производства и использования плодоовощной продукции, картофеля, бахчи и винограда в 2009 году, в соответствии с требованиями постановления Кабинета Министров от 6 февраля 2006 г. № 16 «О мерах по обеспечению эффективного мониторинга за выполнением утвержденных параметров стоимостных и материальных балансов».

5. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Информационно-аналитический департамент по вопросам сельского и водного хозяйства, переработки сельскохозяйственной продукции и потребительских товаров Кабинета Министров и Министерство экономики Республики Узбекистан.

**Премьер-министр
Республики Узбекистан
Ш.МИРЗИЯЕВ.**

г. Ташкент,
25 ноября 2008 г.
№ 254.

*1-4-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чол этилмайди. Иловалар тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида «Қонунчиликдаги янгиликлар» бўлимида танишиш мумкин, сайтдан эркин фойдаланиш мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ КОМИССИЯСИННИГ
БАЁНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИККИНЧИ ВА УНДАН
КЕЙИНГИ ТАЪЛИМНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎГРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
21 августда 1844-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.
[Кўчирма]**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 34-сон, 341-модда)

13. «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўгрисидаги низом» 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Адлия вазирлиги мазкур Низомни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.».

**Таълим муассасаларига
қабул қилиш бўйича
Давлат комиссияси раиси
Р.ҚОСИМОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 13 август
15-сон.

*2008 йил 31 августдан кучга киради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ИККИНЧИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-модда, 295-модда) қонунларига мувофиқ, барча олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларига тегишилдир.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) муовофиқ, олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумотга эга бўлган шахслар мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган тартибда иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумотни олиш ҳуқуқига эга.

Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумот бўйича ўқитиш тўлов-контракт (шартнома) асосида амалга оширилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиш учун контракт (шартнома)-ни тузиш тартиби ва шартлари «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги низом (1999 йил 6 август, рўйхат рақами 795) билан белгиланади.

2. Олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумотга эга бўлган шахслар қуидаги иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумотни олишлари мумкин:

ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли мутахассис даражасига эга бўлган шахслар — ўрта маҳсус, касб-хунар таълим йўналишлари бўйича;

бакалавр ва дипломли мутахассис даражасига эга бўлган шахслар — бакалавриат таълим йўналишлари бўйича;

магистр даражасига эга бўлган шахслар — бакалавриат таълим йўналишлари ва турдош магистратура мутахассисликлари бўйича.

Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш мумкин бўлган турдош магистратура мутахассисликлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

3. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумот олиш бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқига эга таълим муассасалари рўйхати ҳамда олий таълим муассасаларида уларнинг бакалавриат ва магистратура сига қабул кўрсаткичлари реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари учун малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжга ҳамда таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳияти ва моддий-техник базасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумот олиш учун абитуриентлар қабулини таълим муассасаси қабул комиссияси амалга оширади. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълим бўйича қабул кўрсаткичлари таълим муассасаси учун муайян таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича ўрнатилган қабул режасидан (муовофиқ равишда бакалавриат ва магистратура бўйича) ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумот олмоқчи бўлган шахслар таълим муассасасининг қабул комиссиясига қуидаги хужжатларни тақдим этадилар: таълим муассасаси ректори (директори) номига ариза; олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумот тўғрисида дав-

лат намунасидаги диплом (асл нусхаси) иловаси билан (хорижий давлатлар таълим муассасаларининг 1992 йил 1 январдан кейин берилган дипломлари ўрнатилган тартибда ностирификациядан ўтказилган бўлиши лозим);

3.5 x 4.5 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
№ 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;
паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги хужжат нусхаси.

Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги хужжат шахсан кўрсатилади.

5. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумот олиш учун хужжатлар 20 июлдан 20 августвача қабул қилинади.

6. Таълим муассасасининг қабул комиссияси киравчиларнинг билим даражасини баҳолаш мақсадида шакли ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишиладиган синовлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

7. Таълим муассасаси қуидагиларни мустақил ҳал қилади:

хужжатлар қабул қилиш;
хужжатларни қабул қилишда ва уларнинг ҳақиқийлигини аниқлашда қабул комиссияси масъулиятини ошириш;
иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумот олиш бўйича киравчининг биринчи маълумоти билан тақосланган ҳолда, ўкув режалари ва дастурларидаги фарқларни аниқлаш;

ўкув режалари ва дастурларидаги аниқланган фарқлар асосида таълим муассасасида ўқитиш курсини белгилаш (биринчи ёки иккинчи курсдан юкори бўлиши мумкин эмас);

киравчининг тегишли курсда ўқиш учун ўкув режалари ва дастурларидаги аниқланган фарқларни топшириш тартиби ва муддатларини белгилаш.

8. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумот бўйича ўқишга киравчиларни талабалар сафига қабул қилиш таълим муассасасининг қабул комиссияси қарорига асосан ўқиш учун контрактда белгиланган маблаг миқдори белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, 15 сентябрдан кечиктирилмай таълим муассасасининг ректори (директори) буйруғи билан расмийлаштирилади.

9. Иккинчи олий маълумот олиш бўйича ўкув жараёни мазкур таълим муассасасида амалда кадрлар тайёрланаётган таълим йўналишлари (мутахассисликлари) ва таълим шакли бўйича, шунингдек, талаба қабул қилинган курсга оид амалдаги норматив-услубий хужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган қоидалар асосида ташкил этилади.

10. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумот бўйича талабалар сафига қабул қилинган шахслар ўзлаштириши уларнинг билимини назорат қилишнинг рейтинг тизимида асосан баҳоланади.

11. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумотини олган шахсларга, давлат аттестацияси якунлари бўйича, давлат намунасидаги хужжат (диплом, илова билан) берилади.

12. Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта маҳсус, касб-хунар) маълумотини олиш бўйича қабулни ташкил этиш ва амалга ошириш масъулияти таълим муассасасининг ректори (директори) зиммасига юклатилади.

II. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан келишилган.

**Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазири
А.ПАРПИЕВ.
Тошкент ш.,
2008 йил 19 июль**

**Халқ таълими вазири
Г.ШОУМАРОВ.
Тошкент ш.,
2008 йил 19 июль**

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
Тошкент ш.,
2008 йил 20 июль**

**Давлат тест
маркази директори
Б.ИСМАИЛОВ.
Тошкент ш.,
2008 йил 19 июль**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ
УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2008 йил 18 ОКТЯБРДАН 7 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 26 сентябрдаги 2008-21-сонли буйруғи.

2008 йил 22 октябрда 1108-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 ноябрдан кучга киради).

2. «Юшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қофозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 24 сентябрдаги 2008-16-сонли буйруғи.

2008 йил 22 октябрда 1384-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 ноябрдан кучга киради).

3. «Корпоратив қимматли қофозлар биланrepo битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 3 октябрдаги 2008-24-сонли буйруғи.

2008 йил 22 октябрда 1396-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 ноябрдан кучга киради).

4. «Йўқ қилиш божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси

Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 17 октябрдаги 01-02/12-55-сонли қарори.

2008 йил 27 октябрда 584-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 6 ноябрдан кучга киради).

5. «Давлат солик хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, соликлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2008 йил 19 октябрдаги 2008-42-сонли қарори.

2008 йил 4 ноябрда 1500-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 ноябрдан кучга киради).

6. «Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 16 октябрдаги 01-02/8-54-сонли қарори.

2008 йил 4 ноябрда 695-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 ноябрдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли «Иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 31 октябрдаги 59, 105-сонли қарори.

2008 йил 5 ноябрда 1867-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 ноябрдан кучга киради).

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли «Иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайta ҳисоблаш тартиби ҳақида йўриқнома» Ўзбекистон Республикаси

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1843, 2008 йил 16 август).

Адлия вазирининг 2008 йил 5 ноябрдаги 224-мҳсон билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-хукукий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. ДАВЛАТ РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

1. «Автомобилларга газ қуиши шохобчаларидан (АГКШ) техник ва хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳакида»ги қарор. «Ўздавнефтгазинспекция» ва «Саноаткон-

техназорат» давлат инспекциялари томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

VI. АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБИГА ЗИД РАВИШДА АМАЛ ҚИЛАЁТГАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР АНИҚЛАНДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли, 1998 йил 31 декабрдаги 362-сонли, 1999 йил 29 марта 99-сонли ва 2008 йил 12 майдаги 132-сонли буйруқлари.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида хукукий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли хукукий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо кўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси
томунидан тайёрланди.**

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.

ТУЗАТИШ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламиининг 2008 йил, 43-сони, 434-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 229-сон қарорига илова қуидаги таҳрирда ўқилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 16 октябрдаги 229-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 4-бандида:

а) «в» кичик бандида «микромолиялаштириши ҳамда ипотека кредитини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун» сўzlари «микромолиялаштириши ҳамда ипотека кредитини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) «д» кичик банд «тасдиқлаганлик учун» сўzlаридан сўнг «ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» сўzlари билан тўлдирилсин;

в) «е» кичик банд «тасдиқлаганлик учун» сўzlаридан сўнг «ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» сўzlари билан тўлдирилсин;

г) «к» кичик банднинг биринчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож қуидаги схема бўйича ундирилади, ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно»;

д) «к¹» кичик банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«к¹) юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмайдиган енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш

хукуқига ишончномаларни, олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қуиши ва лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида ундирилади.

Изоҳ, Алмаштириш шартномасини, шунингдек бир неча енгил автотранспорт воситалари билан боғлиқ гаров шартномасини расмийлаштиришда бож шу божнинг кўп суммаси олинадиган фақат бир машинадан ундирилади».

Ушбу кичик бандда белгиланган ставка ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида битимлар сонидан қатни назар, енгил автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қуиши ва лизинг шартномаларини тасдиқлашда кўлланилади.

Мазкур кичик банднинг қоидалари эр-хотинлар, отаоналар, болалар ва набиралар, ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида автотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қуиши ва лизинг шартномаларини, шунингдек ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш хукуқига ишончномаларни тасдиқлаганлик учун қўлланилмайди»;

е) «л» кичик бандда «л¹» кичик бандида» сўzlари «к¹» кичик бандида» сўzlари билан алмаштирилсин;

ж) «л¹» кичик банд чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 марта 38-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 17-модда):

а) 2-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилансинки, 2008 йил 1 декабрдан бошлаб:

нотариуслар томонидан автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини, бошқа шахсга бериш (олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента), ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга кўйиш, лизинг шартномаларини нотариал тасдиқлаш факат «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва худудий кодга эга бўлган қатъий ҳисобот бериладиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади;

нотариал тасдиқланган бошқа шахсга бериш шартномалари рўйхатдан ўтказилиши керак, фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳукуқига ишончномалар ва ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга кўйиш, лизинг шартномалари эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ДИХХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак»;

б) 4-банднинг биринчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан»;

в) қарорга иловада:

илованинг номи қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом»;

1-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу Низом автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини, бошқа шахсга бериш (олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента), ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга кўйиш, лизинг шартномаларини (кейинги ўринларда «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» деб юритилади) расмийлаштириш тартибини белгилайди;

3-бандда:

биринчи хатбошидаги «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя этиш) ва ижарага бериш шартномалари» сўzlари «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўzlари билан алмаштирилсан;

учинчи хатбошидаги «департаментининг худудий бўлимлари суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари суд ижрочилари» сўzlари «департаментининг худудий бошқармалари суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари» сўzlари билан алмаштирилсан;

4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси худудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситаларига ишончномалар бериш, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси худудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш» сўzlари билан алмаштирилсан;

5-банднинг иккичи хатбошидаги «ишончномаларини, бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини» сўzlари «билин боғлиқ битимларни» сўzlари билан ва 6-банддаги «ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини» сўzlари «битимларни» сўzlари билан алмаштирилсан;

7-банднинг биринчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Нотариуслар томонидан автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш бошқа шахсга бериш тақиқланмаганлиги ва хатлаб қўйилмаганлиги текширилгандан кейин амалга оширилади, тасарруф этиш ҳукуқисиз ишончномалар бундан мустасно»;

8-банднинг биринчи хатбошидаги «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа

шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини» сўzlари «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўzlари билан алмаштирилсан, шунингдек ушбу хатбоши «ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага оловчига» сўzlаридан кейин «текин фойдаланиш шартномаси бўйича ссуда оловчига, гаров шартномаси бўйича пул берувчига, лизинг шартномаси бўйича лизинг оловчига» сўzlари билан тўлдирилсан;

9-банднинг биринчи хатбошидаги «шартномалар» сўзи «битимлар» сўзи билан алмаштирилсан;

10-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш шартномалари, шунингдек автотранспорт воситаларини ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва кимошди савдолари орқали сотиш шартномаси (баённома) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарорига мувофиқ бир вақтнинг ўзида автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказган ва ҳисобдан чиқарган ҳолда сотиб оловчининг яшаш жойидаги (турган жойидаги) ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Автотранспорт воситаларини 18 ёшга тўлмаган шахсларга, мототранспорт воситаларини 16 ёшга тўлмаган шахсларга истисно тариқасида рўйхатдан ўтказишида рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ушбу шахсларга расмийлаштирилади, гувоҳномага ва автомототранспорт воситаларини рўйхатга олиш карточкасига: «Транспорт воситаси эгаси 18 (16) ёшга тўлгунга қадар васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки уларнинг қонуний вакилларининг (отоналари, фарзандликка оловчилар ва ҳомийларнинг) рухсатисиз автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш тақиқланади» ёзуви киритилади.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар (ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва кимошди савдолари орқали сотиш бўйича бошқа шахсга бериш шартномалари, шартномалар (баённомалар) бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойидаги ДИХХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак»;

11-бандда:

биринчи хатбошидаги «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари» сўzlари «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўzlари билан алмаштирилсан;

иккичи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

